




МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ШЕРИКЛИК ЯНГИ ДАРАЖАГА КЎТАРИЛГАНИ ЖАДАЛ ЎЗГАРИШЛАРГА КУЧЛИ ТУРТКИ БЕРМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг таклифига биноан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференцияси тадбирларида иштирок этиш учун 4-5 август кунлари амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



Давлатимиз раҳбари 5 август кунги Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви-га тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш

Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси — Президент Администрацияси раҳбари Адилбек Қасималиев, Озарбайжон Республикаси Бош вазири Али

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг ушбу форматдаги раислиги доирасида биргаликда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот берди.



Йил якунига қадар парламентлараро форум, муҳофаа, савдо ва транспорт вазирларининг учрашувлари, маданий-гуманитар тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган.

янги драйверларини ишга тушириш, чегараолди савдони кўпайтириш бўйича қатор ташаббусларни илгари суриш ниятида экани таъкидланди. Сув

Озарбайжон билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Савдо, транспорт, “яшил” энергетика соҳаларида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.



масалаларига бағишланган махсус тадбирда иштирок этди.

Тадбирда Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон,

Асадов, шунингдек, расмий делегациялар аъзолари ва жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, Тошкент шаҳрида бўлажак Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашуви-га тайёргарликнинг асосий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Хусусан, йил бошида Раислик концепцияси ва Қўшма тадбирлар режаси қабул қилинди.

Хавфсизлик кенгашлари котиблари, махсус хизматлар раҳбарлари, саноат, энергетика, сув хўжалиги ва экология вазирларининг учрашувлари, медиа ва ёшлар форумлари ўтказилди.



Минтақавий шерикликнинг янги кун тартибини шакллантириш ва унинг норматив-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида учрашувнинг концептуал ҳужжатлари тайёрланмоқда.

Тошкент саммити доирасида Ўзбекистон томони сиёсий мулоқотни чуқурлаштириш, иқтисодий кооперациянинг

ва энергетика соҳаларида, транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқликни кенгайтириш ҳамда иқлим ўзгариши бўйича амалий ҳамкорлик масалалари диққат марказида бўлади.

Озарбайжон томонининг учрашувларида иштирок этаётгани мамнуният билан қайд этилди. Бугунги кунда минтақа давлатлари

Ўзбекистон Президенти сўзининг якунида Марказий Осиё мамлакатларининг ўзаро мувофиқлаштирилган ва келишилган ёндашувлари минтақада тараққиёт ва фаровонлик мақсадларига эришишга хизмат қилишига ишонч билдирди.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ДЕНГИЗГА ЧИҚИШ ЙЎЛИГА ЭГА БЎЛМАГАН РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАР БЎЙИЧА УЧИНЧИ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАГИ НУТҚИ

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Авваламбор, Туркменистон Президентини хурматли Сердар Гурбангулиевич Бердимухамедовга ва Туркменистон халқининг Миллий етакчиси, Халқ Маслаҳати Раиси хурматли Гурбангули Мяликулиевич Бердимухамедовга самимий қабул ва бугунги конференцияни юксак даражада ташкил этганлари учун чин қалбимдан миннатдорлик изҳор этаман.

Ушбу форумнинг Туркменистон ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан эълон қилинган Халқаро тинчлик ва ишонч йилида, Каспий мўъжизаси — гўзал Авазда ўтказилаётгани рамазий маънога эга.

Ўзбекистон қардош Туркменистоннинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, глобал ва минтақавий барқарорлик ҳамда фаровонликни

таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди ва қатъий қўллаб-қувватлайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш жанобларига денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган мамлакатларнинг муаммоларини устувор халқаро масала сифатида илгари суришга шахсан эътибор кўрсатиб келаётгани учун алоҳида ташаккур билдираман.

Биз Аваза сиёсий декларациясини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз ва ўн йиллик Ҳаракатлар дастурини амалга оширишда фаол иштирок этамиз.

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Бугунги конференцияда муҳокама қилинаётган масалалар барчамиз учун ҳаётимиз муҳим аҳамиятга эгадир.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимиз денгиз коммуникацияларига фақат бир неча

давлатлар ҳудуди орқали чиқиши мумкин. Биз учун деярли уч минг километр масофада жойлашган портлардан географик олислик бир қатор объектив муаммоларни вужудга келтирмоқда. Булар — юқори тарифлар, транспорт йўлаклари ва инфратузилмаларнинг ўтказиш имконияти чеклангани, шунингдек, бошқа давлатларнинг божхона-транзит сиёсатида боғлиқликда намоён бўлмоқда.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, транспорт харажатларининг катталиги ва транзит тизимининг беқарорлиги туфайли Марказий Осиё минтақаси ҳар йили ялли ички маҳсулотнинг икки фоизгача йўқотмоқда. Логистика харажатлари маҳсулотлар умумий нархига 60 фоизгача етмоқда. Бу рақам жаҳондаги ўртача кўрсаткичлардан бир неча баробар юқоридир.

▶ Давоми 2-бетда

Мамлакатимизда сўнгги икки ой мобайнида Ўстонлик туманининг Чорвоқ сув омбори ҳудудида қурилиши мўлжалланган “Sea Breeze Uzbekistan” лойиҳаси кенг муҳокама қилинмоқда. Бу ижобий ҳолат. Чунки авваллари кенг қўламли лойиҳалар ва умуман, катта-кичик ишлар ҳеч қандай муҳокамаларсиз, шовқин-суронсиз, ими-жимидда салкин кабинетларда тезда тасдиқланиб кетарди.



Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА, сиёсий фанлар доктори, профессор

Хуллас, бу сафар мега лойиҳа Чорвоқнинг экологик ҳолатига қандай таъсир кўрсатиши мумкинлиги борасида турли фикрлар, эътироз ва хавотирлар билдирилди. Лойиҳа доирасидаги инфратузилма объектларидан чиқадиган оқова сув Чорвоқ сув омборига ташланганидан хавотир билдирилмоқда. Бу эса Тошкент шаҳрининг уч миллиондан орტიқ аҳолиси ва табиатига асосий ичимлик сув етказиб берувчи Чорвоқ учун катта таҳдид сифатида кўрилмоқда.

Расмийлар лойиҳа алоҳида назорат остида бўлиши, экологик хавфсизлик эса доимий назорат қилиниши ҳақида баёнотлар берди. Аммо булар фақат озғина ваъда сифатида қабул қилинди, жамият, айниқса, танқидий қарайдиган қатлам бу гапларга ишонмади.

Шу кунларда бу борада туб бурилиш юз берди — 1 августда Вазирлар Маҳкамасининг “Sea Breeze Uzbekistan” умуммавсумий курутот мажмуасини барпо этиш бўйича йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш

“SEA BREEZE UZBEKISTAN” — МАНИПУЛЯЦИЯ УЧУН МАВЗУ ЭМАС ЁХУД МЕНИНГ “НАҲОТКИЛАРИМ”

чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинди.

Хужжат билан лойиҳанинг экологик талабларга қатъий риоя қилиниши шарт этиб белгиланди. Хусусан, чиқинди ва оқова сувларнинг Чорвоқ сув омбори ҳамда Чирчиқ дарёсига ташланиши тўлиқ тақиқланди. Агар инвестор ушбу талабларни бузса, лойиҳа тўхтатилади ва ер ижараси бекор қилинади. Яъни экологик талаблар бажарилмаса, лойиҳа ҳам бўлмайд.

Бу эса инвесторга жуда аниқ сигнал беради: экологик хавфсизлик муҳокама қилинмайди.

Бундан ҳам муҳимроғи, қарор Чорвоқ ҳудудида фаолият юритаётган барча субъектларга тегишли талабларни қўймоқда (ўтган йили Чорвоқ сув омбори ҳудуди 12 миллионга яқин сайёҳни қабул қилган). Бу ерда юзлаб дам олиш масканлари, меҳмонхоналар, пансионатлар ва дала қўвилари ҳақида сўз кетяпти — уларнинг баъзилари ҳатто собиқ иттифок даврида қурилган. Ўйлайманки, уларнинг ҳаммаси эмас, лекин анчагина қисми шу вақтга қадар экологик талабларга риоя қилмаган ва ҳозир ҳам оқова сувларни бевосита Чорвоқ ёки уни озиклантирувчи дарёларга ташлайди. Бу, афсуски, аччиқ ҳақиқат!

Мана шу жуда огир ҳолатдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, хужжатда белгиланган қўйидаги жиҳатлар алоҳида эътирофга лойиқ:

- “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда сувини муҳофаза қилиш зоналари ва санитария ҳудудларига оид талабларга риоя этилишини таъминлаш, муҳофаза этиладиган табиий объектлар, сувни муҳофаза қилиш ва санитария зоналарида қурилиш ишлари олиб борилишига йўл қўймаслиги, сув омборига оқова сувлар ташланишини қатъий назоратта олиши шарт”.

Шунингдек, Бош прокуратура билан биргаликда мазкур вазирликларга қўйидаги вазифалар юклатилган:

- Чорвоқ сув омбори ва унинг муҳофаза ҳудудига маиший ва саноат чиқиндилари,



оқова сувлар ташланишининг олдини олиш учун доимий ва ҳар томонлама назорат ўрнатиш;

- атроф-муҳитни ифлосланишдан ҳимоя қилиш, санитария-экологик меъёрларга риоя қилинишини таъминлаш ва соғлом экологик муҳитни сақлаб қолиш чораларини кўриш;

- барча қурилган объектлар, жумладан, янги қурилишлар бўйича инвентаризация ўтказиш, экологик нормаларни бузаётган объектларни бартараф этиш ва масъул шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўриш.

“Sea Breeze Uzbekistan” лойиҳасига қайтадиган бўлсак, инвестор томонидан қурилишининг белгиланган муддати бузилган тақдирда ҳам ер ижараси ҳеч қандай компенсациясиз бекор қилинади. Бу эса инвестор учун қурилишни ўз вақтида якунлашига очиқ ва аниқ ишорадир.

Нуқтаи назар

Шуни тушунишимиз керакки, экологик талаблар тўлиқ бажарилган ҳолда бу лойиҳа минглаб янги иш ўринлари, миллиардлаб инвестициялар ва қурилиш ҳамда туризм соҳаларида замонавий технологияларни жалб этиш имконини беради.

Бир неча ҳафта аввал Чорвоқ бўлдим. Кўрдимки, қирғоқ бўйлари жуда ифлосланган: сайёҳлар дам олишдан кейин ташлаб кетган озиқ-овқат қолдиқлари, турли чиқиндилар тонналаб ёйилиб ётибди. Ҳатто айрим жойларда қирғоқ бўйлаб қаровсиз юрган қорамолларни ҳам кўрдим. Маълум бўлишича, сувда ўлган мол жасадлари топилган ҳолатлар бўлган.

Скутерлар сув устида кун бўйи назоратсиз юриши эса ҳали-ҳануз инсоний фожиаларга олиб келмоқда — ёш йигит ва қизлар ҳалок бўлади. Шу сабабли Чорвоқ атрофида сайёҳлик инфратузилмаси қанчалик ривожланса, бундай аянчи, уятли манзаралар шунча камроқ бўлади.

Хулоса ўрнида эътиборингизни бошқа жиҳатга қаратмоқчиман: “Sea Breeze Uzbekistan” лойиҳаси атрофидаги бу ижтимоий тармоқларда кузатган кенг муҳокамалар яъни. Бу фуқаролик жамиятини улғаяётганини аққол белгиси. Бу Чорвоқнинг келажаги ҳаммасини учун муҳимлигини кўрсатади. Ҳукумат жамоатчилик фикрга қулоқ тутиб, лойиҳани тартибга солуви расмий хужжатга керакли бандларни киритгани ҳам олқишга лойиқ.

Аммо сиёсатшунос мутахассис ва ахборий хуружлар келиб чиқиши таҳлилчиси

сифатида айтмоқчиманки, хушёр ва эътиборли бўлишимиз керак. Негаки экологияни ҳимоя қилиш ниқоби остида қатор манипулятив постлар ҳам пайдо бўлди.

Вазиятга расмий изох берилишдан анча олдин бу постларда Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги қардошлик ва суверенитетимизга путур етказишга қаратилган қаҳриқлар янгради. Қизик томони, бундан 3-4 йил аввал Чорвоқни алоҳида муҳофазадаги табиий ҳудуд деб эълон қилиш таклифи чиққанида, айнан шу манипуляторлар “энди қаерда чўмилиамиз”, дея бақир-чақир бошлаган эди.

Шуни англаб етишимиз керакки, бугунги кунда халқнинг норозилигидан фойдаланиб, жамиятимизнинг муайян қатламидида носталгик кайфиятлардан фойдаланган ҳолда ўз бузғунчи муаммоларини илгари сураётган “учинчи кучлар” кўпайиб бормоқда. Бундай манипуляцияларни фақат “Sea Breeze Uzbekistan” ҳолатида эмас, бошқа масалаларда ҳам тез-тез учратяпмиз. Бунга қарши етук фуқаролик жамияти сифатида қатъий муносабат билдиришимиз ва бунга йўл қўймаслигимиз зарур. Биз ахборот ҳужумлари ва бу масалаларда содда инсонлар билан манипуляция қилиш истаги ортидан қимларнинг қулоқлари чиқиб турганини аниқ кўра билишимиз керак.

Ана шу ўй-хаёллар билан ўзимча ўйладим: — наҳотки энг юқоридида ўзимизга қарши қарор қабул қилинса?;

- наҳотки икки қардош миллат бирлашиб бир яхши иш қилса-ю, биз ҳаётдан унга қарши бўлсак?;

- наҳотки биз бутун умр Туркия, Малдив ороллари, Сейшел, Вьетнамларга ҳавас қилсак-да, ўзимизда ўзимизга бўлишини раво кўрмасак, ҳамон ёввойи ибтидоий услубда эскича дам олишни кўрмасак?;

- наҳотки биз бугун XXI асрда XVIII асрдагидек янгилик ва замонавийликдан кўрқиб яшасак?;

- наҳотки очиқ кўзларимиз шу лойиҳага халқни қарши гиж-гиклотаётган “буюк мутахассислар” популист ва маргинал эканини кўрмайпти? Ахир “учинчи тарафлар” манфаати-ку бу!

Ҳамкасбларимга савол: наҳотки кимдир ё қандайдир куч чўнтагидида 5-10 доллар пули билан бизнинг жамиятини шундай ахборий тўфонга дучор қила олади? Биз нимага керакмиз унда? Ё замона шу экан, блогер ва инфлюенсерлар иши бу деб писиб ўтираверамизми кундан кунга ўрнимизни йўқотиб? Қайси биримиз тахриратидида салқин хонадан чиқиб, Чорвоқда яшайдиган аҳоли, ҳолис экологлар, прокуратура ходимлари билан суҳбатлашдик?

Демократик ва фуқаролик жамияти қуриш, Черчилль айтганидек, осон иш эмас, аммо муҳими, биз шу йўлни бошқалардан кечроқ бўлса-да, босиб ўтатишимиз.

Фикрим ва “наҳоткиларим” бошқаларникидан диаметрал фарқланishi мумкин, кимгадир ёқмас, аммо бу менинг қарашим.

ЯҚДИЛ ЖАМИЯТ, БИР БУТУН ВАТАН БЎЛИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ФОРМУЛАСИ



Зебунисо АЛИМАРДОНОВА, Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлинимаси раҳбари

Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига алоҳида эътибор қаратилаётир. Вилоятларнинг Қорақалпоғистон туманларига бириктирилиши бу эътиборнинг ёрқин амалий ифодасидир. Ушбу ташаббус ҳудудлар ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро кўмак кўприкларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Шундай алоқаларнинг энг намунали мисолларидан бири Сурхондарё вилоятининг Қорақалпоғистон Республикаси Тахياتош туманига бириктирилишидир.

Ўзаро ҳамкорлик



хўжалиги маҳсулотларига эҳтиёжини қондиришда муҳим қадам бўлди.

Шунингдек, 50 та хонадонга тикув машиналари ва 20 та хонадонга 500 тадан жўжа очиш қувватига эга инкубаторлар етказиб берилди. Бу аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириб, даромад манбаларини диверсификация қилиш имконини беради.

Ишлаб чиқариш ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Найманкўл” ОФЙда қиймати 1,5 миллиард сўмлик лойиҳа асосида жундан гилам тўқиш цехи ташкил этилди. Бу цех

нафақат маҳаллий аҳолининг миллий ҳунармандлик аъёналарини қайта тиклашга хизмат қилади, балки янги иш ўринлари яратиш орқали аёллар бандлигини таъминлашга ҳам катта ҳисса қўшади.

Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан 2024-2025 йиллар инвестиция дас-тури доирасида “Surkhon Sandwich” корхонаси томонидан Тахياتошда лойиҳа қиймати 7,4 миллиард сўмлик тикув-трикотаж фабрикаси қурилиб, 200 та иш ўрни яратилди. Бу ҳам туман иқтисодий салоҳиятини кенгайтириб, экспортроп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, муҳими, юзлаб ёшларни доимий иш билан таъминлашга ҳисса қўшмоқда.

“Найманкўл” ОФЙда лойиҳа қий-мати 1,6 миллиард сўм бўлган 50 ўрин-ли нуронийлар бойхонаси қурилди ва ишга туширилди. Бу маскан кекса авлод вакиллари учун маданий ҳордиқ чиқариш, суҳбатлашш ва турли тадбирлар ўтказиш учун қулай шароит бўлди.

Ёшлар учун замонавий қулайликлар яратиш мақсадида “Обод макон” ОФЙда лойиҳа қиймати 2,2 миллиард сўмлик “Ёшлар боғи”ни таъмирлаш ва амфитеатр қуриш ишлари бажарилиб, фойдаланишга топширилди. Бу замонавий бог ва амфитеатр ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши, турли фестиваллар, концертлар ва маданий тадбирлар ўтказиш учун янги имкониятлар яратди.

Миннатдорлик ХАЛҚИМИЗ ВА МАДАНИЯТИМИЗГА КЎРСАТИЛГАН КАТТА ЭҲТИРОМ

Яқинда юртимизда миллий маданиятимиз ва санъатининг ривожига оид муҳим қарор қабул қилинди — Ўзбекистон халқ артисти, Шарқ мусиқа санъатининг бетакорор намоёнчаси Шерали Жўраев номидаги олий мусиқа мактаби ташкил этиладиган бўлди.



Бу қарор нафақат Жўраевлар оиласи, балки миллионлаб мухлислар, санъат аҳли ва бутун халқнинг томонидан улкан шодлик ва ифтихор билан қабул қилинди.

Шерали Жўраев ўз ижоди, юксак қобилияти ва халқчиллиги орқали юртимиз мусиқа меросини асраб-авайлаш, янги авлодларга етказиш, уни ривожлантириш йўлида бутун умрини сарф этди. Унинг энг катта орузи миллий мусиқа аъёналарини сақлаб қолиш ва унинг ҳақиқий ворисларини тарбиялаш эди. Қабул қилинган бу тарихий қарор ана шу орузларнинг амалга ошиши, унинг муқаддас номини абадийлаштириш йўлидаги эзгу қадам бўлди.

Биз, Жўраевлар оиласи номидан мазкур қарор учун Президентимизга чуқур миннатдорлик билдирамиз. Бу қарор нафақат оиламиз, балки Шерали Жўраевнинг муҳаббатли юраги уриб турган халқ учун ҳам юксак маънавий ҳақидир.

Шерали Жўраев XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошидаги ўзбек мусиқа санъатининг энг ёрқин ва муҳташам юлдузларидан бири. Унинг ижоди халқ дарди, миллий рух ва илоҳий муҳаббат билан суғорилган бўлиб, ҳар бир қўшиги қалбларга чуқур таъсир этади.

Устоз Жўраев нафақат хонанда, балки шорте, бастакор ва ҳақиқий зиёли сифатида ҳам юрта хизмат қилди. У мингдан орტიқ қўшиқ ва тарона муаллифидир. У ижод қилган “Ўзбегим”, “Инсон ўзинг”, “Ўхшамас”, “Ўхшатинг”, “Биринчи муҳаббатим” каби қўшиқлар миллионлаб юракларга йўл топан.

Шерали Жўраев ижодида тарихий хотира, ватанпарварлик, инсон шавни ва миллий гурур устувор ўрин тутди. Унинг қуйларида Фаргона-Сўғд водийсининг шодёна макомлари, Термиз саҳроларининг нолаю саслари, Бухоро ва Самарқанднинг мусиқий аъёналари ўз ифодасини топган.

Унинг ижроси ўта мукамаллигининг сабаби ҳам эҳтимол шеърят дунёсининг Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Саъдий Шерозий, Ҳофиз, Жалолиддин Румий, Оғаҳий, Машраб, Расул Ҳамзатов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби гултожлари ижодидан таркиб топгани билан ҳам боғлиқдир. Айни пайтда бу бетакорор ва умрбоқий қўшиқлар ноҳир овоз, энг асосийси, ўз Ватани, халқи, мухлисларига меҳр-муҳаббатдан, теран эътиқоддан илди элгани рост.

Президентимизнинг ижодкор зиёли аҳли борки, барига айрича чин эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келаётганига гувоҳимиз.

Давлатимиз раҳбари ноёб истеъдоди, кўп йиллик самарали ва бетакорор ижоди билан ўзбек қўшиқчили-санъатини ва миллий маданиятимизни ривожлантириш, унинг шон-шухратини дунё халқлари ўртасида кенг тарғиб этишга қўшган беқиёс ҳиссаси учун Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраевни 2018 йилда “Фидокорона хизматлари учун”, 2022 йилда эса таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан “Эл-юрт хурмати” орденлари билан мукофотлади.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Гулнора ЖЎРАЕВА, Шерали Жўраевнинг рафиқаси



Илҳом МАМАТКУЛОВ,
Тошкент шаҳридаги Сингапур менежменти ривожлантириш институти ректори

Узоққа бормаймиз: бир ой муқаддам юртимизда Ёшлар кўни кўтаринки кайфиятда, байрамона нишонланди. Фаол, ғайратли, намунали, илмли йигит-қизлардан бир гуруҳини давлатимиз муносиб тақдирлади ҳам. Президентимиз шахсан улар билан учрашиб, самимий мулоқот қилди. Таклиф ва ташаббусларини эшитиб, қўлаб-қувватлади. Фикрлари билан уларга далда, куч берди. Шу боис, бу учрашувни тарихий воқеа сифатида талқин қилсак арзийди. Бинобарин мулоқот юксак эътибор ва самимий муносабатнинг ёрқин ифодаси ўларок, ёшлар ҳаётида кенг имкониятлар эшигини очади.

Учрашувда айtilган фикрлар ва қўрилагётган чора-тадбирлардан мамлакатимиз тараққиёти марказида ёшларнинг ўрни беқиссизлигини кўриш мумкин. Уларни қўлаб-қувватлаш, иқтидорини юзага чиқаришда зарур шарт-шароитлар яратиш эртанги кун учун қўйилган мустаҳкам қадамдир.

Бугунги Ўзбекистон бу борада ёшларга катта имконият тақдим этаётди. Ёшларга сифатли таълим-тарбия бериш, хорижий тилларни ўргатиш, касб эгаллаб, ҳаётда муносиб ўрин топишга кўмаклашиш давлатимизнинг асосий вазифасига айланди. Кейинги йилларда ташкил этилаётган замонавий олий ўқув юртилари, уларнинг илгор жиҳозланиши ҳамда соҳага хусусий секторнинг фаол жалб қилиниши ёшларимизга ана шундай катта имконият ва қўлайлик тақдим этмоқда. Тошкент шаҳридаги Сингапур менежменти ривожлантириш институтида ҳам ёшлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилган. ОТМда 5000 га яқин йигит-қиз таълим олади. Табиийки, улар каторида хориждан келиб ўқийётганлар бор. Шунингдек, маҳаллий педагоглар билан бирга чет эллик

Билимли ёшлар миллат келажаги, мамлакат тақдирини ҳал этувчи куч. Бу кучни керакли, зарур ва ўз ўрнида ишлатиш аини мурдао. Қўзланган максадга навқирон авлод вакиллари қўлаб-қувватлаш, орзу-истакларини рўёбга чиқариш орқали эришилади. Бугун мамлакатимиздаги ишлар шу жиҳати билан алоҳида эътиборга молик. Ўғил-қизларимизга янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида қараётганининг ўзиёқ юртимизда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг устувор ва долзарб йўналишига айланганини аңглатади.

ИЛМ — НАВҚИРОН АВЛОДГА КУНДАЛИК ЗАРУРАТ

профессор-ўқитувчилар ҳам таълим-тарбия жараёнида фаол иштирок этмоқда. Талабалар Сингапур, Буюк Британиядаги олий таълим даргоҳларида амалиёт ўташ, тажриба алмашиш имкониятига эга.

Жорий йилда Президентимиз ташаббуси билан таълим тизимида “Долзарб 90 кун” лойиҳаси амалиётга киритилди. Бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда.



шуғулланмоқда. Бу жараёнга маҳалла ёшлари ҳам фаол жалб этиляпти. Олий ўқув юртилари талабалари эса уларга билим беришда фаол иштирок этаётгани ёнги таълимнинг мазмунли ва самарали кечишига хизмат қилаётди. Жараёнда институтимиз жамоаси, талабалари ҳам муносиб қатнашмоқда, албатта.

Таълим олиш, бирор касб эгаси бўлиш, хорижий тилларни ўрганиш бугунги ёшлар

Ўтган йили 150 мингдан зиёд ёш тил билиш даражаси бўйича халқаро сертификатларини олган. Бу кўрсаткич 2023 йилдаги нисбатан 2 баробар кўп. Жорий йилда 35 миллиард долларлик 8300 та лойиҳа орқали 292 мингта иш ўрни очилмоқда. Яна 500 мингта иш ўрни яратадиган 83 миллиард долларлик лойиҳалар режалаштирилган. Натижада “ашиш иқтисодиёт”, саноат, энергетика, геология, муҳандислик ва бошқа соҳаларда минглаб мутахассисларга талаб пайдо бўлади.

Стартапларни қўлаб-қувватлаш бўйича тизим яратилиб, уларни молиялаштиришга 145 миллион доллар венчур сармоя киритилди. Энди бу маблаг 1 миллиард долларга етказилади. Олийгоҳлар ўртасида стартаплар бўйича ҳар йили “Энг яхши креатив гоя” танлови ўтказилиб, ғолибларга олийгоҳ жағмармасидан 300 миллион сўмгача грант берилади.

Ёшларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка кенг жалб этиш хусусида ҳам йирик лойиҳалар устида ишланмоқда. Айниқса, “Ёшлар бизнеси” ҳамда “Келажакка қадам” дастурлари орқали минглаб йигит-қизлар меҳнат бозорига ўз ўрнини топтоқда. Бу жараёнда банклар ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик муҳим ўрин тутмоқда. Энди саноат, сервис, тадбиркорлик ва қишлоқ хўжалигида банд ёшларнинг касбий ривожланиши учун ҳам тизим яратилди. Ҳар бир йўналиш бўйича ёшлар ўрта-сида мусобақалар ўтказилади. Бунда давлат қорхоналари ва хусусий сектор вакиллари тенгма-тенг иштирок этади.

Тармоқ раҳбарлари ҳар йили ўз тизимидаги 100 нафар ёшни селекция қилиб, хорижа малака оширишга юборади. Бунинг учун ҳар бир тармоқ 10 миллиард сўмдан

ажратади. Бундай енгиллик, имконият ва шароитлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Муҳими, улар муайян максадга йўналтирилган. Ҳар бири ёшларни илмга чорлайди.

Умуман олганда, 25 йил ичида давлат ҳисобидан 800 нафар йигит-қиз хорижага ўқишга кетган бўлса, сўнгги 7 йилда биргина “Эл-юрт умиди” жағмармаси орқали 2 минг 300 нафар ватандошимиз шундай имкониятга эга бўлди.

Учрашувда давлатимиз раҳбари ёшларнинг имкониятини кенгайтиришга қаратилган муҳим ташаббусларни ҳам илгари сурди. Хусусан, Беруний номидаги халқаро мактаб ташкил этилгани айтилди. Унга 8-синф битирувчилари орасидан 60 ўқувчи саралаб олинди, 3 та йўналишда чуқурлаштириб ўқитилади.

Миллий дастур асосида ҳар йили энг салоҳиятли 3000 ўқувчи танланиб, Гарвард, Йель, Колумбия, Корнель каби нуфузли олийгоҳларга тайёрланади. Шундан камиди 300 нафари эҳтиёжманд оилалар фарзанди бўлади.

Нуфузли хорижий олийгоҳларга қараётган барча ёшлар ҳам 100 фоизлик грант олиш имкониятига эга эмас. Шу боис, энди “Эл-юрт умиди” жағмармаси томонидан илгор ОТМларнинг 300 талиғига кирганларнинг ўқиш ва яшаш харажати қоплаш тизими янги тартибда йўлга қўйилади.

Замон ривожлангани сари янги йўналиш ва касблар пайдо бўлаверади. Уларни тушуниш учун эса билим ва тажриба керак. Бугунги ёшлар ҳам шунга интиломоқда. Уларнинг бу борадаги хоҳиш-истакларини рўёбга чиқариш учун эса давлат қўлай шарт-шароит яратиб бермоқда. Янги имкониятлар тақдим этилмоқда. Айтилик, сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича банк-молия, соғлиқни

сақлаш, қишлоқ хўжалиги ва энергетика устувор йўналиш сифатида белгиланиб, 100 та лойиҳа амалга оширилиши режалангани, Бирлашган Араб Амириклари билан ҳамкорликда “Бир миллион сунъий интеллект етакчилари” дастури ишга туширилиши шундай савй-ҳаракатлар сирасига қиради.

Бундан ташқари, “Рақамли авлод қизлари” таловида таълим, сунъий интеллект, “яшил иқтисодиёт”, иқлим ўзгариши каби соҳаларда 7000 ўқувчи ва талабанинг 120 та стартап лойиҳаси танлаб олинди. Ушбу лойиҳаларга камиди 50 минг қиз қамраб олинади.

Бу йилги Ёшлар кўни муносабати билан ташкил этилган тадбирларда илгари сурилган гоя ва ташаббуслар ёшлар сиёсати барча соҳада изчил ва тизимли юритилаётганини яна бир бор намоён этди. Илм-фан, таълим, иқтисодиёт, маданият ва давлат бошқарувига доир барча ташаббус ёшлар келажагига ишонч намунасирид. Олий таълим тизими эса шу йўлда мустаҳкам пойдевор яратиш, янги илмга ундаш орқали ҳисса қўшади.

Навқирон авлод вакиллари берилаётган имконият ва қўлайликларни таҳлил қилсак, ёшларга эътибор янги Ўзбекистондаги сиёсатнинг устувор ва энг аҳамиятли йўналишига айланиши намоён бўлади. Бунга ҳаётий мисоллар, факт ва рақамлар жуда кўп. Бу масала доимий эътиборда. Давлатимиз раҳбари қаерга ташириб буюрмасин, қайси соҳа вакиллари билан учрашмасин, албатта, ёшлар билан мулоқот қилишга вақт ажратади. Уларнинг фикр ва мулоҳазаларини тинглаб, зарур топшириқ ва тавсиялар беради. Жумладан, йил бошида, яъни 14 февраль кунин ҳам ёшлар билан мулоқот қилди. Видеоселектор шаклида ўтган учрашувда ёшлар учун имкониятларни янада кенгайтириш чора-тадбирлари муҳокама этилганди.

Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизи ёшлардан иборат. Ҳар йили меҳнат бозорига 600 мингдан ортиқ йигит-қиз кириб келмоқда. 2030 йилга бориб, бу кўрсаткич 1 миллионга етади. Учрашувда ана шу жиҳатлардан келиб чиқиб, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, интилоқларига мос шароит яратиш давлатимизнинг устувор вазифасига айланиши яна бир бор қайд этилиб, ўғил-қизларни муносиб ўқиш ва иш шароити билан таъминлаш зарурлиги таъкидланган. Амалий ташаббус ва тақлифлар билдирилганди.

Бугун креатив иқтисодиёт соҳасида фаолият юритаётганларнинг 98 фоизи ёшлар. Ўтган йили бу бўйича қонун қабул қилиниб, ҳуқуқий асослар мустаҳкамлангани ёшларнинг бу йўналишдаги фаолиятини тобора кенгайтирмоқда. Худудларда ҳам креатив индустрия парклари барпо этилаётгани ва уларнинг резидентларига 2030 йил охиригача имтиёзли солиқ режими қўлланиши белгилангани катта ёрдамдир.

Президентимизнинг ёшлар билан учраши, мулоқот қилиши ўғил-қизларга катта куч ва далда беради. Мазкур учрашувларнинг ўзи давлат ёшлар билан қанчалик яқин муносабатда эканини аңглатади. Уларнинг ҳар бир гояси ва ташаббуси эътибордан четда қолмаслигини билдиради. Зотан, бугунги эътибор эртага катта эҳтиром ва самара олиб келади. Олий таълим эса йигит-қизларимизга ана шундай эзгу максадларга етишиши учун кўмакчи бўлиб қолаверади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЪРИФИЙ СИЁСАТИГА ЧИЗГИЛАР

Ҳайфок фикр

Юртимизнинг жанубдаги гавҳари ва дарвозаси саналган Термиз шаҳрида чорак асрдан буюн истиқомат қиламан. Умрим 60 доводдан ошганига ҳам беш йил бўлди. Нокамтарлик бўлса ҳам айтаман, мени мамлакатимизда ва хорижда таниқли археолог сифатида билишади. Йиллар давомида менга пойтахтда ишлаш таклифини бериб келишади.



Шоўлат ШАЙДУЛАЕВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

Нуфузли илмий-тадқиқот марказлари, олийгоҳлар, институтлар томонидан чорловлар бўлади. Шунда қисқа қилиб жавоб қайтараман: “Билмай қўлиманки, танам дарахт янглиг қанча кўкка ўрласса, илдиним ҳам ер қаърига шунча сингиб борибди. Энди бу осмонни қоплаган шох-шабабани ва кенг илдиним сўраб қайга бораман!”.

Ҳар бир инсоннинг ватан олдидаги ўз миссияси бор. Ҳар кишининг қалбида ватанининг жажжи қиёфаси яшайди. Ватанининг бир зарраси эканини аңгламоқ киши учун ифтихор ва шараф саналади. Ватанини севмоқ, қадрламоқ, қайда бўлмасин унинг раванқи ва шон-шарафи учун хизмат қилмоқ керак. Устоз сифатида қўлаб-қан докторлари, номзодлари ва тадқиқотчиларни етиштириб чиқардим.

Тарихдан аёнки, фақат пойтахтлар ва йирик марказларгагина эмас, энг чекка худудларгача илм-маърифат, маданият ва санъат кириб борса, одамларнинг дунёқарашини кенгайта, ватан ҳақидаги тушунчалар кўнгилларда собитлик қилса, мамлакатнинг чинакам ривожини шунда кузатилади.

Бугунги кунда дунёнинг етгита давлати археологлари билан қўшма экспедициялар ташкил этиб, ҳамкорликда Сурхондарё

вилояти ҳудудида қазимша ишларини олиб борамиз. Уларнинг айримларига, масалан, ўзбек — француз қўшма илмий экспедицияси фаолияти бошланганига бу йил 31 йил тўлди. Таниқли археолог дўстим Пер Лереш ҳар йили Ўзбекистонга келиб, худудларда биз билан ҳамкорликда қазимшаларда қатнашади. У яқинда бир гап айтиб қолди: “Чорак асрдан кўпроқ вақтдан буюн юртингизда тадқиқот олиб бораман. Бундан 6-7 йил олдин ҳам ватанингизга келиб-кетиб билан боғлиқ муаммолар, ҳужжатларни расмийлаштириш, доимий сўровлар, иш жараёнидаги шароитлар бизни чинакам толиқтирарди. Бугун бутун дунёнинг биз каби илм одамлари учун бундай тўсиқлар олиб ташланган”.

Рост айтди. Бу жараёндларнинг ичидаги инсон сифатида биламан. Лекин инсон унутувчи-да! Қанча шароит ва имкониятлар, йўллар очилгани сари кечани тезда унутамиз. Аммо инсон қалбида доимо ўзининг ҳулосаси бўлсин!

Пойтахт ва энг чекка манзилларнинг илм-маърифат марказлари сифатидаги кескин тафовут 7-8 йилнинг нари-берисиди қўлаб кетган. 2017 йилдан эътиборан Ўзбекистон — Франция халқаро археологик экспедицияси фаолиятида ўзига хос давр

бошланди. Мен фаолият юритаётган Термиз давлат университети ва Франциянинг Экол Нормал Суприёр филология ва археология илмий-тадқиқотлар лабораторияси ўртасида шартнома имзоланиб, кенг қўламли ишлар бошланди.

Биз сурхондарёлик қадимшунослар — Термиз давлат университети профессор-ўқитувчилари воҳда нафақат Франция, балки Чехия, Россия, Хитой ва япониялик археологлар билан ҳамкорликда эътиборга молик халқаро лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз. Масалан, Ўзбекистон — Чехия халқаро археологик экспедицияси иш бошланганига ҳам 20 йилдан ошди. Аммо кенг қўлаб ва чинакам археологик илмий тадқиқот ишларини олиб боришимизга кейинги 7-8 йилдаги ўзгаришлар ва очиклик сабаб бўлди. Масалан, биргина ўзбек ва чех археологлари ҳамкорликда Сурхондарё вилоятида дала қазув ишлари жараёнида 300 га яқин янги археологик ёдгорлик кашф этилган. Халқаро экспедиция иш бошланганидан буюн ватанимиз тарихига доир катта лойиҳаларни амалга оширишни кўзлагандик ва ўзаро ҳамкорликда максадларга эришпмиз.

Яқин йиллардан хитойлик таниқли археолог олим Ма Жиян иштирокида

Ўзбекистон — Хитой халқаро экспедициясини ҳам ташкил этганмиз.

Дастлаб хитойлик қадимшуносларни юртимиздаги илмий анжуманларга таклиф қилдик. Шундан сўнг улар мамлакатимиздаги илм-фанга берилган эътиборни эътироф этишди. Ўзбекистон археологияси катта мактаб эканини, Европанинг нуфузли илмий-тадқиқот марказлари билан алоқалар ўрнатилганини билишди. Шунда хитойлик олим Ма Жияннинг бир фикри эътиборимни тортиди: “Қаердаки ўзаро ҳамкорликка ишонч ва эътибор бўлса, ўша ерда илм-фан ривожланади. Европа давлатлари археологлари шу узоқ вақт давомида самарали иш олиб борибдими, демек, Ўзбекистонда биз — хитойликларнинг ҳам ишларини яхши бўлишига ишончим комил. Бугунги тезкор ривожланаётган замон ва шунга ҳамоҳанг тараққиётга юзланиб дунёга очилаётган Ўзбекистонда ривожланган мамлакатлар билан ўзаро илмий алоқалар муҳим аҳамиятга эга. Аслида, халқаро ҳамкорлик инновацияларнинг асосий драйвери”.

Бор гапки, бугунги Сурхондарё бундан 8-9 йил аввалги воҳа эмас. Термиз шаҳри эса илм-фан ва маданият, таълим марказларидан



бирига, нҳоятда обод ва гўзал маконга айланган. Масалан, Сурхондарёда ўтган асрнинг 60-йилларидан токи 2017 йилга қадар биттагина олийгоҳ — Термиз давлат университети мавжуд эди. Кейинги 7 йилда уларнинг сони 5 тадан ошди. Воҳа шимолда ҳам илк бор олийгоҳ — Денов тадбиркорлик ва педагогика институти фаолият бошлади. Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали ташкил этилди. Имом Термизий номидаги ислом институти ва Имом Термизий ўрта махсус ислом таълим муассасаси очилди. Нодавлат хусусий олийгоҳлар, мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари кўпайиши соҳада чинакам рақобат муҳити юзага келишига замин яратди. Бу эса илми авлод шаклланишига хизмат қилляпти. Ижтимоий соҳа, айниқса, мактабгача ва мактаб таълимида ҳам қатор икжобий ўзгаришлар кузатилди. 3-6 ёшли болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 2017 йилдагидан бир неча баробар ўсди. Худудлар кесимида энг яхши кўрсаткичлар сифатида Сурхондарё вилоятини ҳам кўрсатиш мумкин. Жорий йилдаги маълумот, ёшларнинг олийгоҳга кириш кўрсаткичи бўйича Сурхондарё бир йил ичида 11-ўриндан 4-ўринга кўтарилиб, катта сакраш қилди. Худудлар ривожига, табиийки, уларнинг демография хусусияти, меҳнат ва табиий ресурслари муҳим ўрин тутди. Чунки ҳар бир худуд бир-биридан ресурслари, салоҳияти билан фарқланиб туради. Воҳадан таниқли тасвирий санъат усталари етишиб чиққани сабабли уларнинг муносиб давомчиларини кашф этиш мақсадида Термиз шаҳрида Ўзбекистон Бадиий академияси тасаруфидида Рўзи Чориев номидаги Сурхондарё ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати фаолияти йўлга қўйилди. Ўзбек бахшчилик санъати ривожига сурхондарёлик бахшилар қўшган

ҳисса эътиборга олиниб, Шоберди бахши Болтаев, Хўшбоқ бахши Мардонақулов, Абдуназар бахши Поёнов, Шодмон бахши Эгамбердиев, Бахшиқул бахши Тоғаев каби бир қанча Ўзбекистон халқ бахшиларининг изшоларини тарбиялаш мақсадида Термизда бахшчиликка ихтисослаштирилган республика мактаб-интернати ташкил этилди. Бу ерда илк ўқувчилар 2021 йилга қабул қилинди.

Гап келганда айтгим келди, депутат сифатида халқ гамини ўзимнинг гаимин сифатида қабул қилганман. Давлат раҳбарининг 2023 йилнинг 16-17 ноябрь кунлари Сурхондарёга ташириб давомиди воҳа фаоллари иштирокидаги йилгишда иштирок этгандим. Ушанда Президентимиз Сурхондарё тажрибаси мисолида “Маънавият сектори”ни ташкил этиш топширинини берган эди. Буни олим сифатида, биринчи навбатда, Сурхон элига, унинг маърифатли халқига, ўзи сингари зиёлиларига бўлган эътибори ва ишончи тўғайли деб қабул қилганман. Бугун дунёда кечаётган таҳликали бир шароитда маънавият, маърифат, таълим-тарбия, илм-фан ютуқларисиз юксак чўққилларни забт этиб бўлмаслигини теран аңглайман. Ҳар гал олийгоҳга, аудиторияга ёш авлодга саёб бериш мақсадида кириб бораётганман, бир гапни сира таъкидлашдан чарчамайман: “Илм, бу — нажот! Шу боис, аждодаларимиз таълим ва тарбияга энг муҳим омил сифатида алоҳида аҳамият берган. Маънавиятли ва билимли авлод эса ҳеч қачон ёш гоғларга огишиб, ўз ватанидан, ўзлигидан кечмайди”.

Бугун янги Ўзбекистон ана шундай илмий салоҳияти юксак, маънавий жиҳатдан қудратли ёш авлодни тарбияламоқда. Ана шу янгиликлар билан эса барча худудда бирдек ташкил этилаётгани соҳа фидойиларини ҳақли равишда қувонтиради.

Бобилми ёки Вавилон?

(“Сўз латофати” китобидан)

Ташқаридан сўзлар қабул қилиш барча тилларга хос ва барча тилларда ўз грамматик ва талаффуз қоидалари асосида сўз қабул қилиш қоидаси бор. Масалан, ҳолат маъносини билдирувчи латинча “positio” (позитио) сўзи рус тилида позиция, француз тилида “позицион”, инглиз тилида “позишн” тарихасида ишлатилади ва ҳеч ким асли латинчада қандай бўлса шундай талаффуз этишни талаб қилмайди. Бизнинг исмларимиз литвонияликлар тилида Аҳмадас, Маҳмудас, Муҳаммадас бўлади ва биз бундан хафа бўлмаймиз. Руслар ҳам “палов”ни “плов” деб, “Жаббор”ни “Джаббар”, “Муҳаммад”ни “Магомед” десалар айб эмас, лекин биз “борш”ни “борш” деб, “цирк”ни “сирк” деб айтсак ёки ёзсак гуноҳи азим ҳисобланади.

Ювошиқидан ўзаларни
Елкамизга миндирдик.
Ёт сўзларни айтолмасдан
Тилимизни синдирдик.

Русча сўзларни ва рус тили орқали кириб келган сўзларни фақат русча талаффуз қилишга, ҳатто рус тилига бузиб қўчирилган сўзларни биз ҳам бузиб ёзиш ва ўқишга мажбур эдик. Масалан, рус тилида юмшоқ “х” товуши бўлмагани учун Ҳамлет, Хайне, Ҳамбург номларини Ғамлет, Гейне, Гамбург деб талаффуз қиладилар. Биз ҳам аслиятга мос товушимиз бўлганда, шу тарика ёзиш, айтишга мажбур эдик. Энди бунга зарурат йўқ. Лекин бизга ўрганиш бўлиб қолгани учун ҳозирда ҳам шундай. Бутун дунё Сурия, Бобилун, барбар, деса руслар латин ёзувини кириллицада ўқиб, Сирия, Вавилон, варвар деб қабул қилганлар ва биз ҳам шундай хато ёзиб, хато ўқидик ва бу хатолик ҳозир ҳам давом этмоқда.

Четдан келган сўзларни халқимиз аллақачон ўз тилига мослаб олган. Биз доктор, машина, стакан, рюмка деб ёзсак ва айтишга уринсак-да, халқ, дўхтир, мошин, истакон, румка деб ишлатади ва англаб-англамай халқаро қоидаларга амал қилади. Билъакс, тилшунос



олимлар сунъий қоидалар билан ўз она тилимиз қонуниятига ҳам, халқроқ қонуниятга ҳам зид иш тутадилар.

Қурбон ота деган шоир “мотоцикл” сўзини аруз вазиға сололмай армон билан ўтган экан. Дарҳақиқат, “мотоцикл” сўзи аруз у ёқда турсин, ўзбек шеърининг ҳеч бир вазиға тушмайди. Негаки мотоциклнинг гилдирати айланса ҳам уни айтишга тил айланмайди. Агар мабодо бизда ҳам ўша халқаро қоидалар амал қилиб, халқ қабул қилгандек “мотоцикл”ни “матасекил” десак, бу сўзни ҳамма вазиға солиш мумкин бўлади.

Байналмилал сўзларни таржима қилиш, ёки ўз она тилимизга мослаш халққа қулай қилиш баробарида бадий адабиёт, аввало, шеърят учун зарур. Тилга бегона сўз бамисоли гуручдан чиққан тошдек ўқувчининг тишига тегади.

Орзу қиламанки, “атом” сўзи ўзбекчада “зарра” деб ишлатилсаю, мен шундай туюқ ёсам:

**Боқий эрмаслар кўёш ҳам, зарра ҳам,
Парчалангай парчаланмас зарра ҳам.
Лекин эй бил, руҳ абоддир, руҳ абод,
Ўзасиға қилма парво зарра ҳам.**

Қани “рюмка”, “стакан” сўзлари ҳам ўзимизнинг сўзларга айланиб, шеърини тилга кирса:

**Қуй эй соқий, лабобла румка эрмас, истаконимга,
Қани мастона хобимда етишсам истаконимга.**

“

Эскидан қолган “Ғалати машхур” деган гап бор. Бу “машхур бўлган хато” демакдир. “Ғалат” сўзининг ўзбек тилида “ғалати” шаклида “қизик”, “ажойиб” деган маъно касб этгани ўзи ғалати машхурдир.

Ғалати машхур

Тошкент вилоятида ёндош икки шаҳар бор: Ангрен ва Оҳангарон. “Ангрен” сўзи “Оҳангарон”нинг рус тилига бузиб қўчирилган шакли эканини биров билар, биров билмас. Оҳан — темир, оҳангар — темирчи, оҳангарон — темирчилар экани ҳам одамларнинг эсидан чиққан шекилли, ҳеч ким “Хай, бу нимаси, битта номда икки шаҳар бўладими?” деб сўрамайди. Сўраганда ким қулоқ соларди? Битта тентакнинг ишини мингта доно тўзатолмас деб шуни айтадилар.

Эскидан қолган “Ғалати машхур” деган гап бор. Бу “машхур бўлган хато” демакдир. “Ғалат” сўзининг ўзбек тилида “ғалати” шаклида “қизик”, “ажойиб” деган маъно касб этгани ўзи ғалати машхурдир.

“Хунук” сўзи форсада совуқ, “муттаҳам” арабчада жиноятчи маъноларини англатади. Кўпгина Шарқ мамлакатларида “дафтар” деб идора, офисни, “маҳкама” деб судни айтадилар.

Кейинги йилларда тилимизга “қароргоҳ”, (институт) сўзи кириб қолди. “Қароргоҳ”, “Саждагоҳ”, “Жангоҳ” сўзларидиҳа жой маъносини билдирувчи “гоҳ” қўшимчаси олдинда предмет ёки ҳаракат номини аналтувчи сўзни қўшиб атама яшаш мумкин. Ҳатто “илмгоҳ”, “муолажагоҳ” дейиш ҳам мумкин. Лекин “олийгоҳ” дейишимиз ғалатдир. Чунки “гоҳ” қўшимчаси сифат ё равиш билан ишлатилмайди. “Олийгоҳ” — “еруғистон”, “кенгзор”, “тезхона”, “яшилгоҳ” деган каби мантиқсиздир.

Янги сўз ёки атаманинг лугатга кириши, ўзлашиб кетиши, дарҳақиқат, осон эмас. Бўнинг тилшуносларимиз яхши биладиган кўндан-кўп шартлари бор. Шулардан бири ва асосийси, назаримда, қисқалқидир. “Останова” деган тўрт бўгинли сўз ўрнига икки бўгинли осонгина “бекат” сўзи тез сингиб

кетди. Лекин қисқагина “шофёр” ўрнига сунъий ясалган “хайдовчи”нинг лугатга кетиши қийинроқ. Шунинг учун тилга мослаб олинган “шофёр” сўзини халқ кўпроқ ишлатади.

Америкада бир ёш уйғур йигитдан “унолги” деган сўзни эшитдим. Микрофон маъносидда. Жуда чиройли топишган, тил табиатидан келиб чиққан, бинобарин тез ўзлашиб кетган сўз экан. “Қимматбаҳо металлларнинг пробаси” тўғрисидаги қонун лойиҳаси муҳокамасида “проба” сўзининг ўзбекчаси устида баҳс кетди. Албатта, давлатчилик тарихи бор бўлган халқларда олтиннинг асидилик даражасини билдирувчи сўз бўлади. Ўша муҳокамада биз ўз тарихимиздан ажралиб қолганимизни яна бир қарра ҳис этдик. Ўзбекчада “проба” сўзига эквивалент атама бўлмаслиги мумкин эмас. Амир Темур давлатида, хонликлар замонида олтин тангалар зарб этилган, тилла ёмбирлар қўйилган. Биз Қонуннинг номини вақтинча “Қимматбаҳо металлларнинг асидилик даражаси” деб қўйдик. Қўнглимиз тўлмади. Яқинда хоразмлик бир шоира “**ёргит**” деган сўз борлигини, олтиннинг қиммати ёргит билан ўлчанганини айтиб қолди. Бу сўзнинг қанчаллик “проба”га яқинлигини ўрганиб кўриш, яъни ушбу сўзнинг асидилик даражасини текшириш тилшунос олимларимизга ҳавола. Собик шўро замонида ўзбек тилида қонун ёзилмаган. Умуман, Ўзбекистонда қонун ёзилмаган. Барча республикалар учун ҳам Москвада тайёрланган. Шу боис, ўзбекнинг девон тили, яъни ҳужжат ёзадиган тили унутилиб кетган. Биз ёшлигимизда бирор жойдан маълумотнома оладиган бўлсак, бундай ҳужжат одатда “Берилди ушбу справка...” деб бошланар эди. Кейинчалик маълумотномалар умуман ўзбекча ёзилмайдиган бўлди.

Ўзбек тили давлат мақомига эга бўлган, энди барча қонунлар ўзбек тилида ёзилиб, кейин бошқа тилларга таржима қилиниши керак. Лекин қонун тилининг ўзи мавжуд бўлмаса, боз устига кўпчилик олим мутахассисларимиз русча ўқиган бўлсалар, ҳаммасидан ҳам адлия терминлари асосан, русча бўлса, қонун ёзувчиларга осон эмас. Лекин ҳолатнинг мушкуллигига қўниб, илож қанча деб ўтирсак ҳам бўлмайди. Академия қоидада бутун бошли институт мавжуд. Турли соҳаларда терминология билан шугулланувчи олимлар бор. Илмий қўдратимиз бошқалардан ҳеч кам эмас. Фақат ушбу улкан ишга астойдил киришмоқ, тилшунос олимлар, турли соҳа мутахассислари, турли минтакаларимиз вакилларини умуман кенг халқ оммасини, айниқса, матбуотни сафарбар қилмоқ зарур бўлади.

Бир замонлар Наполеон Бонапарт қонун қисқа ва тушунарсиз бўлсин дея кўрсатма берган экан. Халқ ўз ҳақини танимасин, қонунни император қандай талқин қилса, шундай тушунилсин деган мақсадда у шундай буйруқ бергандир. Халққа ўз ҳуқуқини аналитиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бизнинг замонда қонун, албатта, қисқа ва тушунарли бўлмоғи керак. Узундан узоқ жумлалар тузиш, ўзбекча ёзатириб, русча фикрлаш девон тилимиз учун беэас эмас. Баъзи ҳужжатларни ўқиб, ёзган одамнинг ўзи уни тушунармикан деган савол хаёлга келади. Мана бу гапни ўқиб кўринг:

“Ихтирога тааллуқли ахборотнинг муаллиф ёки ундан бевосита ёхуд бавосита шу ахборотни олган ҳар қандай шахс томонидан оммавий тарзда ошкор этилиши, агар ихтирога патент бериш ҳақидаги талабнома ахборот ошкор этилган санадан эътиборан қўпи билан олти ой ичида Патент идорасига топширилган бўлса, ихтиронинг патентга лаёқатлилигини таи олишга таъсир кўрсатадиган ҳолат сифатида эътироф этилмайди. Бунда ушбу ҳолни исботлаб бериш вазифаси муаллиф, талабнома берувчи зиммасида бўлади”.

Бу каби чигал, жимжимадор баён услуби тилимизга бегона. Фикрлаш тарзи ўзбекча эмас. Шунинг учун гапнинг маъзини қақши амри маҳол. Русчасини ўқиб тушуниш осонроқ.

Гапирса гап, ўртага қўйса, муаммо кўп. Хулоса сўзни айтсак, она тилимизни севиш, у билан ифтихор қилиш, таърифлар беришнинг ўзи кам экан. Тил устида меҳнат қилиш, уни бойитиш, янада гўзал ва қудратли қилиш олим ва ижодкорларнинг, мен ўзбекман деган ҳар бир юрт фарзандининг бурчи экан.

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

Бағрингда яйраган мисли ўғил-қиз,
Сен билан ҳар бир жон топар ризку рўз,
Шу боис, мўътабар дилларда бир сўз —
Сен — она табият, она табият.

Хўб инжа санъатдан айл�айди огоҳ,
Кўёш — кўждан боққан нур тўла нигоҳ,
Заминни безайди ҳар гул, ҳар гиёҳ,
Эй она табият, она табият.

Кўнгилда конларинг маъдан аслида,
Уммон гавҳарлари маҳзан аслида,
Тупроғинг, қум-тошинг Ватан аслида,
Эй она табият, она табият.

Белбоғи булутдан тоғлар чиройли,
Хайру саховатли боғлар чиройли,
Офтобли, моғтобли чоғлар чиройли,
Эй она табият, она табият.

Сойларда оқади тип-тиник тушлар,
Самонинг ишқ тўла мактуби — қушлар,
Еллар эркалатиб енгимдан ушлар,
Эй она табият, она табият.

Қамишлар най бўлган дамларинг суяк,
Чўққилар ор каби муаззам, буюк,
Ўнгирларда сакраб ўйнаган кийик —
Эй она табият, она табият.

Неъматлар қадрини билмоқ керакдир,
Асрамоқ, шўқрини қилмоқ керакдир,
Сенга содиқ фарзанд бўлмоқ керакдир,
Эй она табият, она табият.

Ғайрат МАЖИД


Таълим ва тараққиёт

ЎҚИТУВЧИЛАР ОЛИС ҲУДУДЛАРДАГИ МАКТАБЛАРГА ЖАЛБ ЭТИЛАДИ

Жорий йил 30 июлдан 4 августга қадар Бўстонлиқ туманидаги кам таъминланган оилалар фарзандлари учун болалар таълим-тарбия оромгоҳи ташкил этилди. Оромгоҳда бўлажак ўқитувчилар учун болаларда танкидий фикрлаш, ижодкорлик ва ишончни ривожлантиришга қаратилган интерфаол машғулотлар ҳамда маҳорат сабоқлари ўтказилди.

Бунда “Teach For Uzbekistan” нодавлат нотижорат ташкилоти яқиндан қўмак берди. 65 мамлакатда йўлга қўйилган бу лойиҳа Ўзбекистонда ўтган йили иш бошлади. Ундан кўзланган асосий мақсад нуфузли олий ўқув юртиларидан иқтидорли ёшларни танлаб олиш, мактаб таълиминини ривожлантиришга қўмаклаштириш, ёш мутахассислар ва олий ўқув юртилари битирувчиларини ижтимоий шароити оғир мактабларга ишга жалб этишдир.

Танлов асосида лойиҳада иштирок этган битирувчилар жойларда педагогик фаолият юритиш баробарида, чекка ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшади. Улар п-



“

Бўстонлиқ туманида ташкил этилган оромгоҳда номзодлар янги замонавий педтехнологиялар, ўйинлар орқали дарс ўтиш, болаларга эмоционал хавфсиз муҳит яратиш, бир дарсда муайян билимни ўзлаштира олмай қолган болалар билан ишлаш кўникмасини оширишга эътибор қаратилди.

дагогик фаолиятдан ташқари, ижтимоий лойиҳаларда ҳам фаол иштирок этади. 2024 йилда 740 га яқин ариза келиб тушган бўлса, жорий йилда 1074 та битирувчи ариза билан мурожаат қилди.

Бўлажак 31 ўқитувчи Сурхондарёнинг Термиз, Музработ ва Қизилқум туманларида жўнатилади. — Танловда номзод нима учун мактабда ишлашни хоҳлаши, икки йил дарс

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

бера олишига ишончи қомиллиги, қандай кўникмаларга эгаллиги, қайси тилларни билишига эътибор қаратилади, — дейди лойиҳа раҳбари Умида Йўлдошева. — Шунингдек, қадриятлари, инсоний ғазилатлари ҳақидаги тушунчалари ўрганилади. Болалар билан муносабат ўрнатиш, ҳудудлар билан ишлашга очиқ, етакчилик қобилиятига эга бўлиши керак. Жамоада ишлаш, мулоқотга киришиш, тадқиқотлар олиб бориш кўникмаларини эгаллаши шарт.

Ана шу кўникмаларни қамраб олган беш босқичли танловдан сўнг бўлажак ўқитувчилар яқиний босқич — “Ёзги институт”да иштирок этади. Бу беш ҳафталик интенсив таълим бўлиб, унда номзодлар мактабда ишлаш учун тайёрланади. Курс дастури қатор фанларни ўрганишни қамраб олади. Педагогик маҳорат ва педагогика асослари, болалар психологияси, ҳуқ-атвори, малака ошириш усуллари, фан бўйича методистлар билан ишлаш шулар жумласидан.

Бўстонлиқ туманида ташкил этилган оромгоҳда номзодлар янги замонавий педтехнологиялар, ўйинлар орқали дарс ўтиш, болаларга эмоционал хавфсиз муҳит яратиш, бир дарсда муайян билимни ўзлаштира олмай қолган болалар билан ишлаш кўникмасини оширишга эътибор қаратилади.

— Бир ой махсус дастур доирасида малака ошириқ, — дейди Термиз давлат университетини юридик факультетини битирувчиси Давлатбек Абдуқаҳҳоров. — Халқаро ҳамда маҳаллий тренерлар, профессор-ўқитувчилар замонавий педагогика сир-асрорини атрофлича ўргатди. Эгаллаган билим ва кўникмаларимни Сурхондарёнинг чекка ҳудудларидаги ўқувчилар билимини оширишда қўлламоқчиман. Болаларнинг қизиқиши, қобилиятидан келиб чиқиб, машғулотларга ёндашиш, яъни ўзимиз хоҳлаган вазифани эмас, балки ўқувчиларнинг қизиқишига қўра, таълим бериш билим олишга рағбатлантиради.

Тайёргарликнинг барча босқичидан ўтган номзодгина таълим жараёнида инновацион ёндашувлар, мулоқот ва етакчилик кўникмаларини ўқувчиларга етказса олади.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири